

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

415 Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг 2014 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш учун дизель ёқилғиси сотиб олишда нархларнинг унификация қилиниши ҳамда уларнинг бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқ жорий қилиниши билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ–2099-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг 2014 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш учун дизель ёқилғиси сотиб олишда нархларнинг унификация қилиниши ҳамда уларнинг бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқ жорий қилиниши билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашини бекор қилиш ҳисобига ҳосил бўладиган уларнинг ўз манбаларини ҳисобга олган ҳолда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш учун сотиб олинган бир тонна дизель ёқилғисига 200,0 минг сўм миқдорида компенсация суммаси нормативи белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари билан биргаликда тасдиқланган низомни амалга ошириш юзасидан фермер хўжаликлари ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш ва олиб бориш чора-тадбирлари комплексини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 9 август,
221-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 9 августдаги 221-сон қарорига
ИЛОВА

**Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг 2014 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш учун дизель ёқилғиси сотиб олишда нархларнинг унификация қилиниши ҳамда уларнинг бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқ жорий қилиниши билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ–2099-сон қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг 2014 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш учун дизель ёқилғиси сотиб олишда нархларнинг унификация қилиниши ҳамда уларнинг бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқ жорий қилиниши билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатларини компенсация қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомга мувофиқ компенсация суммасини аниқлаш, ажратиш ва улардан фойдаланиш мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

хўжаликлар — 2014 йил ҳосили учун «Ўзпахтасаноат» уюшмасининг корхоналари билан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари;

компенсация суммаси — бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқни ҳисобга олган ҳолда чакана нарх-

лар бўйича дизель ёқилғиси сотиб олинганлиги муносабати билан хўжаликларнинг қўшимча харажатлари суммаси билан хўжаликлар давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиниши натижасида бўшаб қоладиган маблағлар ўртасидаги қопланиши керак бўлган фарк.

II. Компенсация суммасини аниқлаш ва ажратиш тартиби

4. Компенсация суммаси истеъмол қилинадиган дизель ёқилғисининг ва 2014 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш учун белгиланган тартибда хўжаликларга ажратилган дизель ёқилғиси лимитининг бир тоннасига компенсациянинг белгиланган нормативидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

5. Хўжаликларга тўланиши керак бўлган компенсация суммаси туман (шаҳар) ҳокими (комиссия раиси) ва туман (шаҳар) қишлоқ ва сув хўжалиги, статистика, ер ресурслари ва давлат кадастри, молия бўлими, давлат солиқ хизматининг тегишли органи, Фермерлар кенгаши, «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компаниясининг минтақавий нефть базалари (кейинги ўринларда нефть базалари деб аталади) раҳбарларидан иборат таркибда тузиладиган комиссиянинг қарори билан белгиланади.

6. Хўжаликлар компенсация суммасини олиш учун 2014 йил 15 августгача комиссияга ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича компенсация суммасини тўлаш тўғрисидаги аризани ҳамда дизель ёқилғиси сотиб олишга тузилган шартномалар ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналари билан тузилган контрактация шартномалари нусхаларини тақдим этадилар.

7. Комиссия хўжаликларнинг аризаларига мувофиқ 2014 йил 20 августгача компенсация суммасини аниқлайди ва ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича тўрт нусхада компенсация суммасини олувчилар реестрини (кейинги ўринларда реестр деб аталади) тасдиқлайди. Реестрнинг бир нусхаси комиссияда қолади.

8. Комиссия томонидан тасдиқланган реестр икки кун муддатда бир нусхадан:

хўжаликнинг асосий ҳисоб рақами очилган тижорат банкининг филиалига;

туман (шаҳар) молия бўлимига;

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига ва вилоятлар молия бошқармаларига юборилади.

9. Тижорат банки филиали реестр олинган пайтдан бошлаб икки банк иш куни мобайнида хўжаликларга 23410 махсус ҳисоб рақамини (кейинги ўринларда махсус ҳисоб рақами деб аталади) очади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ва вилоятлар молия бошқармалари реестр олинган пайтдан бошлаб икки иш куни мобайнида ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича вилоят бўйича йиғма

реестрни шакллантиради ва уни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборади.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги беш иш куни мобайнида вилоят бўйича йиғма реестрни кўриб чиқади ҳамда бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар йўли билан компенсация суммасини Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига ва вилоятларнинг вилоят бюджетларига ўтказади.

12. Компенсация суммаси икки банк иш куни мобайнида бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятларнинг вилоят бюджетларидан туманлар (шаҳарлар) бюджетларига ўтказилади.

13. Туман (шаҳар) молия бўлими компенсация суммаси туманлар (шаҳарлар) бюджетларига ўтказилган пайтдан бошлаб уч банк иш куни мобайнида Ғазначиликнинг туман (шаҳар) бўйича бўлинмасига маблағларни хўжаликларнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш учун тўлов топшириқларини ва реестрнинг нусхасини тақдим этади.

14. Компенсация суммаларини хўжаликларнинг махсус ҳисоб рақамларига ўтказишда шартномалар ёки харажатлар сметаси тақдим этилиши талаб қилинмайди.

III. Компенсация суммаларидан фойдаланиш ва уларнинг тўланишини назорат қилиш

15. Махсус ҳисоб рақамига тушган компенсация суммаси хўжаликлар томонидан олинadиган дизель ёқилғисига олдиндан ҳақ тўлаш ҳисобига қарздорлик мавжуд эмаслиги шarti билан дизель ёқилғиси учун қарздорликни қайтариш учун нефть базаси томонидан очиладиган 23410 махсус ҳисоб рақамига (кейинги ўринларда нефть базасининг махсус ҳисоб рақами деб аталади) юборилади.

16. Нефть базасининг махсус ҳисоб рақамига тушган маблағлар нефть базасининг бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқ ва қўшилган қиймат солиғи бўйича қарздорлигини тўлашга юборилади.

Нефть базасининг бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқ ва қўшилган қиймат солиғи бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаган тақдирда маблағлар нефтни қайта ишлаш заводлари олдидаги кредиторлик қарзларни тўлаш ҳисобига нефтни қайта ишлаш заводида, завод томонидан очиладиган 23410 махсус ҳисоб рақамига (кейинги ўринларда нефтни қайта ишлаш заводининг махсус ҳисоб рақами деб аталади) ўтказилади.

17. Нефтни қайта ишлаш заводининг махсус ҳисоб рақамига тушган маблағлар корхонанинг солиқ тўловларини амалга ошириш учун бюджетга йўналтирилади.

18. Компенсация суммаси белгиланишининг тўғрилиги учун жавобгарлик комиссияга юкланади.

19. Компенсация суммаларини белгилашнинг тўғрилигини ва ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилганлигини текшириш йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг 2014 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш учун дизель ёқилғиси сотиб олишда нархларнинг унификация қилиниши ҳамда уларнинг бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқ жорий қилиниши билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг 2014 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш учун дизель ёқилғиси сотиб олишда нархларнинг унификация қилиниши ҳамда уларнинг бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқ жорий қилиниши билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатларини компенсация қилиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Хўжаликлар	Комиссияга компенсация суммасини тўлаш тўғрисидаги аризани ҳамда дизель ёқилғиси сотиб олишга тузилган шартномалар ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналари билан тузилган контрактация шартномалари нусхаларини тақдим этиш.	2014 йил 15 августгача
2-босқич	Комиссия	Компенсация суммасини аниқлаш ва компенсация суммаларини олувчилар реестрини тасдиқлаш.	2014 йил 20 августгача
3-босқич	Комиссия	Реестрни бир нусхадан: хўжаликнинг асосий ҳисоб рақами очилган тижорат банкининг филиалига; туман (шаҳар) молия бўлимига; Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига ва вилоятлар молия бошқармаларига юбориш.	2 кун муддатда
4-босқич	Тижорат банкининг филиали	Хўжаликларга 23410 махсус ҳисоб рақамини очиш.	2 банк куни мобайнида
5-босқич	ҚР Молия вазирлиги ва вилоятлар молия бошқармалари	Вилоят бўйича йиғма реестрни шакллантириш ва уни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юбориш.	2 кун муддатда

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
6-босқич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар йўли билан компенсация суммасини Ўзбекистон Республикаси бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва вилоятлар бюджетларига ўтказиш.	5 иш куни мобайнида
7-босқич	ҚР Молия вазирлиги ва вилоятлар молия бошқармалари	Бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар йўли билан компенсация суммасини Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан вилоятлар бюджетларидан туманлар (шаҳарлар) бюджетларига ўтказиш.	2 банк куни мобайнида
8-босқич	Туман (шаҳар) молия бўлими	Фазначиликнинг туман (шаҳар) бўйича бўлинмасига маблағларни хўжаликларнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш учун тўлов топшириқларини ва реестрнинг нусхаларини тақдим этиш.	3 банк куни мобайнида
9-босқич	Хўжаликлар	Компенсация суммасини хўжаликлар томонидан олинadиган дизель ёқилгисига олдиндан ҳақ тўлаш ҳисобига қарздорлик мавжуд эмаслиги шарти билан дизель ёқилгиси учун қарздорликни қайтариш учун нефть базаси томонидан очиладиган 23410 махсус ҳисоб рақамига юбориш.	1 кун муддатда
10-босқич	Нефть базалари	1. Тушган маблағларни нефть базасининг бензин, дизель ёқилгиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқ ва қўшилган қиймат солиғи бўйича қарздорлигини тўлашга юбориш. 2. Нефть базасининг бензин, дизель ёқилгиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқ ва қўшилган қиймат солиғи бўйича қарздорлиги мавжуд бўлмаган тақдирда маблағлар нефтни қайта ишлаш заводлари олдидаги кредиторлик қарзларни тўлаш ҳисобига нефтни қайта ишлаш заводида, завод томонидан очиладиган 23410 махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.	1 кун муддатда
11-босқич	Нефтни қайта ишлаш заводи	Нефтни қайта ишлаш заводининг махсус ҳисоб рақамига тушган маблағларни корхонанинг солиқ тўловларини амалга ошириш учун бюджетга юбориш.	2 кун муддатда

415-модда

— 10 —

33 (637)-сон

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг 2014 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш учун дизель ёқилғиси сотиб олишда нархларнинг унификация қилиниши ҳамда уларнинг бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқ жорий қилиниши билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

_____ вилояти
(Қорақалпоғистон Республикаси)
_____ тумани (шаҳри)
ҳокимлиги комиссиясига

А Р И З А

_____ томонидан
(хўжаликнинг номи)
«_____» АЖнинг пахта тозалаш заводи билан тузилган
(номи)
контракция шартномасига (нусхаси илова қилинади) мувофиқ 2014 йил ҳосили учун умумий майдони _____ гектар ерга чигит экилган.
2014 йилда _____ гектарда пахта ҳосили етиштириш учун _____ тонна дизель ёқилғиси ажратилган (_____ билан тузилган
(нефть базасининг номи)
шартнома нусхаси илова қилинмоқда).

Шу муносабат билан _____ ни компенсация суммасини
(хўжаликнинг номи)
олувчи хўжаликлар реестрига киритишингизни илтимос қиламан.

Хизмат кўрсатувчи банкнинг коди: _____

Хўжалик раҳбари

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

20__ йил «__» _____

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг 2014 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш учун дизель ёқилғиси сотиб олишда нархларнинг унификация қилиниши ҳамда уларнинг бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқ жорий қилиниши билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

_____ туман (шаҳар) ҳокими
(Ф.И.О.)

М.Ў.

_____ туманининг (шаҳрининг) 2014 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи компенсация суммалари олувчилари РЕЕСТРИ

Т/р	Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг номи	Хизмат кўрсатувчи банкнинг МФОси	Махсус ҳисоб рақамининг тартиб рақами	Хўжаликнинг СТИРи	Пахта экин майдони (га)	Нефть базаси билан тузилган шартномага мувофиқ фойдаланиладиган ёқилғи-мойлаш материаллари ҳажми (тонна)	Бир тоннасига 200,0 минг сўм ҳисобидан компенсация суммаси минг сўмда (гр. 7 * 200,0 минг сўм/тн)
1	2	3	4	5	6	7	8

Туман (шаҳар) қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи	(имзо)	Ф.И.О.
Туман (шаҳар) статистика бўлими бошлиғи	(имзо)	Ф.И.О.
Туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи	(имзо)	Ф.И.О.
Туман (шаҳар) молия бўлими мудири	(имзо)	Ф.И.О.
Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси бошлиғи	(имзо)	Ф.И.О.
Фермерлар кенгашининг туман (шаҳар) бўлими раҳбари	(имзо)	Ф.И.О.
Нефть базаси раҳбари	(имзо)	Ф.И.О.

* Минтақавий нефть базаси фермер хўжаликлари жойлашган жойдан қатъи назар, реестрни тасдиқлайди.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг 2014 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш учун дизель ёқилғиси сотиб олишда нархларнинг унификация қилиниши ҳамда уларнинг бензин, дизель ёқилғиси ва транспорт воситалари учун газ истеъмолига солиқ жорий қилиниши билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатларини компенсация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

_____ вилояти бўйича 2014 йил ҳосилидан давлат
эҳтиёжлари учун пахта етиштирувчи компенсация
суммалари олувчиларнинг
ЙИФМА РЕЕСТРИ

Т/р	Туманлар (шаҳарлар)нинг номи	Пахта экин майdonи (га)	Нефть базаси билан тузилган шартномага мувофиқ фойдалани- ладиган ёқилғи- мойлаш материаллари ҳажми (тонна)	Бир тоннасига 200,0 минг сўм ҳисоб- дан компенсация суммаси минг сўмда (гр. 7 * 200,0 минг сўм/тн)
1	2	3	4	5

_____ вилояти молия бошқармаси
бошлиғи (Қорақалпоғистон Республикаси
Молия вазири)

М.Ў.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

_____ вилояти қишлоқ ва
сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи
(Қорақалпоғистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири)

М.Ў.

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О)

Намуна

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Қува тумани ҳокими

(Ф.И.О.)

М.У.

Қува туманининг 2014 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи
компенсация суммалари олувчилари
РЕЕСТРИ

T/p	Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг номи	Хизмат кўрсатувчи банкнинг МФОси	Махсус ҳисоб рақамининг тартиб рақами	Хўжаликнинг СТИРи	Пахта экин майдони (га)	Нефть базаси билан тузилган шартномага мувофиқ фойдалани- ладиган ёқилги-мойлаш материаллари ҳажми (тонна)	Бир тоннасига 200,0 минг сўм ҳисо- бидан компенсация суммаси минг сўмда (гр. 7 * 200,0 минг сўм/тн)
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	«Аҳмад» фермер хўжалиги	41560	23234100055022500000	300252145	100	18,7	3740

Туман (шаҳар) қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими
бошлиғи
Туман (шаҳар) статистика бўлими бошлиғи
Туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри
бўлими бошлиғи
Туман (шаҳар) молия бўлими мудир
Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси
бошлиғи
Фермерлар кенгашининг туман (шаҳар) бўлими
раҳбари
Нефть базаси раҳбари

Ф.И.О.
Ф.И.О.
Ф.И.О.
Ф.И.О.
Ф.И.О.
Ф.И.О.
Ф.И.О.

Изоҳ: аниқ тупроқ шароитларига, шунингдек пахта етиштириш схемаси ва усулларига қараб дизель ёқилгиси сарфининг тавсия қилинган агротехника нормаси 100 гектар пахта майдонига 17 тоннадан 21 тоннагачани ташкил этади. Шунга кўра ушбу ҳисоб-китобда пахта етиштиришнинг иккинчи зонаси учун 18,7 тонна қабул қилинган. (ўртача кўрсаткич).